

Улжоний ЭШМАМАНОВА
Овлорбери кири

ХАЁТ, ХУКМИНГ ШУМИ?

МАЖБУРИЙ НУСХА

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(59)7 - Ушб. араб.

УЎК Ўз. 2
КБК 84 (5Ўзб)-3
Э 94

Дунёда шундай инсонлар борки, улар буюк сабр эгаларидир, чинакам қаноат соҳибларидир. Уларнинг бахти ҳам шунда.

Қўлингиздаги китоб муаллифи ҳам ана шундай матонат эгасидир. Ушбу тўпламда аёвсиз оғриқлар, чексиз азоблар қуршовида яшаб келаётган бир вужуднинг ижодий машқлари жамланган. Бундай инсонларнинг қалби ҳақиқий маънодаги жамланган қаноат ва матонат деб аталмиш илоҳий бир нурдан яратилган десак ҳеч муболага бўлмас.

**Нашрга
тайёрловчи:**

**Мазлума
(Дилрабо воиз Бобокулова
Тоштемир қизи)
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.**

НО 41389
0

2013/51 A 6780	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--

Э 4702620202-22 22-2013
376 (03) 2013

© У. Эшмаматова, 2013 й.
© «Насаф» нашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-119-9

ОРЗУЛАРИНГИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН

Ёртепалик Улжоной Эшмаматова ўз тенгдошлари қаторида орзулари бир жаҳон бўлиб мактабда зўр иштиёқ ила ўқиб юрган кезларида тақдирнинг тасодиф деб аталмиш бешафқат зарбасига дуч келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин, хаёлдан-да, чақмоқдан-да тез содир бўладиган ногиронлик дарди етиб келди-ю, унинг оёқларига чанг солди. Маъсума кўнглига озор етказди. Бир муддат уни саросимага солиб қўйди. Унинг болалик орзуларини, беғубор хаёлларини азобнинг шошқин шамоллари келиб ҳар тарафга тўзғитиб юборди. Лекин дўстлари, устозлари, опа-укалари, меҳрибон ота-онаси унга қувват ва далда бўлдилар. Унга ҳаётнинг синовларидан, жабру ситамларидан сабр-матонат ила сув келса симириб, тош келса кемириб яшашни ўргатдилар. Меҳр -оқибат ва инсонийликнинг куёшдай иссиқ тафти унинг кўнглидан андуҳларнинг хира туманларини ҳайдаб юборишга ундади, ирода ва жасорат билан яшашга руҳлантирди, болалик дамлариданок гўзаллик шайдоси бўлган ва китоблардаги шеърларни бир зумда ёдлаб олиб, бийрон тилда синфдошларига айтиб берадиган зеҳни ўткир қизалоқ шеър ёзишга ҳавас қўйиб жунунбахш сатрлар тиза бошлади. Яхшилар уни яна руҳлантирди.

Ёзганлари кўпчиликка маъқул тушиб, 2008 йилда туман газетасида ҳам босилиб чиқди.

Қалбдаги меҳр, ирода ва зеҳн кучи уни қийинчиликларни босиб ўтиб ёшлик орзуларига эришмоққа руҳлантирмоқда.

Кўлингиздаги ушбу жажжигина рисоладан ўрин олган шеърый сатрлар гарчанд улар ҳақиқий шеър даражасига кўтарилиб улгурмаган бўлса ҳам сиз азиз китобхонларнинг қалбларига ибрат чироғини ёқар деган умиддамиз. Зеро ёш ижодкорнинг ҳаётдаги асл мақсади ҳам шу.

Умар ТОЖИЕВ,

**Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси,
"Қамаши" газетаси масъул котиби, шоир.**

ОНАЛАРГА

Хар кунингга яраган,
Фарзандига қараган,
Оқ ювиб, оқ тараган
Оналарга минг таъзим.
Оғир демаган ишин,
Мўл бўлса ҳам ташвишинг,
Юракка яқин кишинг -
Оналарга минг таъзим.
Эркалаб бойим, деган,
Кўкдаги ойим, деган,
Кўлла, худойим, деган,
Оналарга минг таъзим.
Ташвишнинг жойида у,
Бахтнинг саройида у,
Жаннат ҳам пойида у
Оналарга минг таъзим.

ЭСГА ОЛАРМИСИЗ...

Партада ўрнимга ўтирган
Синфдош дўстим ё дугонам,
Сизларни соғиниб кутганда
Эсга олармисиз мени ҳам.
Ўтмоқда кунларим азобда
Дардимга даво йўқ, йўқ малҳам.
Ва таскин топаман соғинчдан,
Эсга олармисиз мени ҳам.
Бир пайтлар тўпланиб барчамиз
Ўйнардик, кулардик жамулжам.
Бугун-чи Сизларга илҳақман,
Эсга олармисиз мени ҳам.
Уч йилки, йўлингиз пойлайман,
Юракни ўртайди дард, алам.
Интизор боқаман эшикка,

Эсга олармисиз мени ҳам.
Йўқлаб келишганда, дейманки:
"Синфдош, ахир мен ўшаман".
Сўроқлаб келишар албатта,
Бир куни эсига тушаман.

СИЗЛАРСИЗ

Давлатим, бойлигим -Сизларсиз,
Ва тошқин сойлигим -Сизларсиз,
Мен ўзга дунёни нетаман,
Муқаддас жойлигим Сизларсиз.
Ҳаётим мазмуни, борлигим,
Кечам, ҳам кундузим -Сизларсиз.
Йўлимни ёритган Чўлпоним
Ва Зухро юлдузим -Сизларсиз.
Мен учун жонини аямай
Қайғурган, биламан, -Сизларсиз.
Бегона, нотаниш дунёда
Ахир не қиламан -Сизларсиз.

СИНФОШИМ ВА ҚАРИНДОШИМ МУСУЛМОНГА

Дўстим, қариндошим, азиз инсоним,
Доимо соғ юринг қаерда бўлманг.
Қаддингиз тик тутинг, бошингиз баланд,
Ғам нима билманг ва ҳеч камлик кўрманг.
Илминг чўққиси сари интилинг,
Сизга омад, бахт ва толе ёр бўлсин.
Қоқилманг ҳеч қачон ҳаёт йўлида,
Йўлингизни мардлик ёритиб турсин.
Юрагида гард йўқ азиз дўстимга,
Қалби пок инсонлар йўлдошлик қилсин.
Номингиз илмда доврўғ қозонсин,
Кўпчилик танисин ва дунё билсин.
Сизга ўтинч билан қўл чўзганларнинг,
Умидин ўлдирманг, қалбин синдирманг.
Яна ўзбекона битта тилагим:
Олинг, олдирмангу беринг, билдирманг.

ХУШ ҚОЛ ЭНДИ, ОНАЖОН

Баҳор келиб булбул қўнар дилларга,
Гуллар ҳиди ёқиб тушар дилларга,
Агар кетсам узоқ-узоқ элларга,
Рози бўлгин, хуш қол энди, онажон.
Сен қизингни ҳали гўдак, ёш дема,
Ҳали мурғак, беролмас бардош дема,
Қизим кетди дея асло ғам ема,
Рози бўлгин, хуш қол энди, онажон.

КАДРИНИ БИЛ

Ҳар ишга бош бўлганида,
Уйинг файзга тўлганида,
Дуо қилиб юрганида
Бобо-момонг қадрини бил.
Бошгинангда соябонинг,
У борлигинг, у жаҳонинг,
Ор-номусинг, ҳам виждонинг,
Отажонинг қадрини бил.
Насихати сенга мадад,
Меҳрибонлиги бир одат,
Унга тила бахт-саодат,
Онажонинг қадрини бил.
Шодлик, ғамда бирга бўлган,
Доим кўнгил сўраб турган,
Қайда бўлма эслаб юрган
Дўсту ёринг қадрини бил.

СОҒИНДИМ

Кузатгану бўзлаб қолган,
Йўл қараб кўзлари толган,
Юрагимга меҳр солган,
Онажонимни соғиндим.
Кўл очиб дуолар берган,
Кувонч ва дунёлар берган,
Ризқимизни ҳалол терган,
Отажонимни соғиндим.
Кўзимга келганда ёшим,
Ё ишқдан айланса бошим,
Ҳаммадан яқин сирдошим,
Опажонимни соғиндим.
Борарга йўқдир имконим,
Шу боис қийноқда жоним,
Дўсту ёрларим макони-
Қишлоғимни соғиндим.

МЕҲМОН КЕЛАР

Меҳмон келар эшикдан,
Ризқи келар тешикдан,
Меҳмондўстлик одати
Бизга теккан бешикдан.
Гарчи ғариб кулбаси,
Лекин қалби бир жаҳон
Уй тўридан жой берар
Келиб қолганда меҳмон.
Бўлмаса-да ноз-неъмат,
Очиқ доим дастурхон.
Ширин сўзи бор доим
Шунинг ўзи ошу нон.

ОНАМ АЛЛАСИ

Энг зўр қўшиқ, энг ширин қўшиқ,
У орзулар яширин қўшиқ,
Айтар эди меҳрини қўшиб,
Ҳамроҳимдир онам алласи.
Яхши кунда қувончга тўлсам,
Дўстлар билан ўйнасам, кулсам
Ё недандир фаромуш бўлсам
Ҳамроҳимдир онам алласи.
Келажакда мени не кутар
Умр дарё, тўхтамай ўтар
Йўлларимни мангу ёритар
Ҳамроҳимдир онам алласи.

ҲАЁТ, ҲУКМИНГ ШУМИ?

Акаси ва тўрт жияни ногирон бўлган ногирон аммамнинг армони

Бизга армон бўлди ёр-ёр садоси
Бизга армон бўлди келин либоси
Берармисан недир армондан ўзга
Ҳаёт, ҳукминг шуми ногирон қизга?
Тўйда қатнашмоқ йўқ, айём, базмда,
Доим дилда ғашлик, намлик кўзимда
Барисидан маҳрум этдинг бир зумда
Ҳаёт, ҳукминг шуми ногирон қизга?
Юрагим йиғлайди ҳаёт қаҳридан,
Мени ҳайдаб солдинг шодлик шаҳридан
Мендек сулув қизнинг кечдинг баҳридан
Ҳаёт, ҳукминг шуми ногирон қизга?
Кўзларимдан оқар армон жоласи
Бағримни эзади онам ноласи
Ҳар куни азобда унинг боласи
Ҳаёт, ҳукминг шуми ногирон қизга?

ЎЗБЕК АЁЛИ

Қадри баланд ўзбек аёли
Ойдек гўзал юзли, ҳаёли,
Комил бўлар фарзанди албат
Чунки она соғлом, зиёли.
Рўзғори бут меҳнати билан
Ўзбекона ғайрати билан
Бола-чақам, уйим деб яшар
Шу боис ҳам ҳурмати баланд,
Ишдан қайтгач, рўзғор ташвиши
Уйида ҳам билмайди тиним.
Хонадонда барака шундан,
Шундан эрур ишида унум.
Боласини улғайтирай деб
Тунлар бедор, билмайди уйқу.
Оқ ювиб, оқ тарайди бизни
Шундан элнинг ардоғида у.

СИНГИЛЖОНИМ

Қаро ернинг бағрин қучиб
Бу ерлардан кетдинг, синглим,
Ота-онанг, опа-уканг
Бағрини қон этдинг, синглим.
Кеча-кундуз сени эслаб
Онажоним ғамга тўлди.
Фарзанд доғига чидолмай
Отам қадди дол бўлди.
Уйимизнинг ҳар бурчида
Ўрнинг жуда билинади.
Сени эслаб ҳар сония
Юрак-бағрим тилинади.
Тиллакокил сингилгинам,
Орзуларинг осмон эди.
Қўлларинг гул ундиргувчи,

Қошинг гўё камон эди.
Сен ўстирган атиргуллар,
Сўлгинлик касб этди, синглим,
Опангнинг барча шодлиги.
Сенинг билан кетди, синглим.

ҚИЗҒАЛДОҒИМ

Қизғалдоғим қир гули
Чиройингга ошиқман.
Мен учун яралгансан
Мен сенга ярашиқман.
Сен туфайли бу олам,
Сахро ҳам чирой очди.
Хижолат тортганча ой
Кўзини олиб қочди.
Неча-неча ошиқлар
Тиз чўкишар пойингга.
Сен турасан хотиржам
Қимирламай жойингда.
Юзингдаги қизиллик
Ибодан ва ҳаёдан.
Не учун бағрингда доғ
Хафамисан дунёдан?
Қизғалдоғим қир гули
Чиройингга ошиқман
Мен учун яралгансан
Мен сенга ярашиқман.

УСТОЗ

Ўқитувчим Сайдулло Қораев хотирасига

Сокин кеча тушимга,
Сиз кирибсиз, эй устоз.
Қўлимга бериб қалам
Келтирибсиз оқ қоғоз.
Аниқ-тиниқ эслайман,
Юрагим тез урарди.
Кўз ўнгимда жилмайган,
Сиймоингиз турарди.
Дуоларга қўл очиб,
Оқ фотиҳа бердингиз.
"Сабр, матонатли бўл,
Она қизим", дердингиз.
Қайдан келди бу илҳом,
Соғинчнинг кучими бу?
Қўллаб турар руҳингиз,
Устозлик бурчими бу?
Шунинг учун илк шеърим,
Сизга бағишлаб битай.
Ширин каломлар айтиб,
Руҳингизни шод этай.

ХУДО САҚЛАСИН

Ўзини булбул деб билган,
Соғлардан худо сақласин.
Ками бўлса, рўкач қилган,
Соғлардан худо сақласин.
Баҳорда ҳам гули бўлмас,
Сайр этишга йўли бўлмас,
Сайроқи булбули бўлмас,
Боғлардан худо сақласин.
Ким қилмади, топмади,

Бахти учун чопмади,
Ва чопмади омади,
Доғлардан худо сақласин.
Ўзини булбул деб билган,
Зоғлардан худо сақласин.
Ками бўлса, рўкач қилган,
Соғлардан худо сақласин.

ҚОҒОЗ ВА ҚАЛАМ

Катта уйда бир ўзим ёлғиз,
Дардкашимдир қоғоз ва қалам.
Улар боис ёруғдир юзим,
Улар сабаб чекинар алам.
Улар билан дунё кезаман
Унутаман андуҳ ва ғамни.
Шеър битаман ва таърифлайман
Кенг самони, ёруғ оламни.
Гарчи хаста бўлсамда ўзим,
Оёғимда туролмасам-да,
Ҳеч тақдирдан нолимайман мен
Сизга ўхшаб юролмасам-да.
Шу қаламу қоғозим билан,
Орзуларга тўлиб яшайман,
Юрагимда дардим бўлса ҳам
Билдирмайман, кулиб яшайман.
Бу орзулар, ишончим комил,
Бир кун менга бўлади малҳам.
Бандасига дард берган худо,
Берар бир кун давосини ҳам.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ

Бугун юртимизда байрам, шодиёна,
Устозлар шаънига битилар шеърлар.
Юракдан айтилар ширин каломлар,
Уларни отадай улуғлар дерлар.
Бизни шогирд эмас, болам дейсиз Сиз,
Сўзингиздан доим ёғилади дур.
Бизга бўлаяпсиз ҳар ишда ўрнак,
Юзингиздан эса нурлар ёғилур.
Қадрингиз улуғдан улуғвор бўлсин,
Доим шод кунларда шодумон юринг,
Роҳатлар топинг Сиз меҳнатингиздан,
Шогирдингиз бахту камолин кўринг.

ҚИЗЛАРГА

Ор ва номус сизнинг олтин тожингиз
Қошларига ўсма қўйган малаклар.
Доноликда Бибихоним издоши,
Кўзларига сурма сурган малаклар.
Дўсту ёрга садоқатда тенги йўқ,
Гўзалликда, малоҳатда тенги йўқ,
Имони бут, дийдаси тўқ, кўнгли тўқ,
Қошларига ўсма қўйган малаклар.
Нодираю Увайсий издошлари,
Тоғларни ҳам лол этар бардошлари.
Доим омон бўлсин азиз бошлари,
Кўзларига сурма сурган малаклар.
Ойбарчинлар, Тўмарислар авлоди,
Вафодор ёр бўлмоқ унинг муроди,
Орзуси мўл, бахти бўлсин зиёда,
Қошларига ўсма қўйган малаклар.

БАҲОР

Келинчакдек нозли боқиб,
Боғда бодомлар гуллади.
Қалбда ширин хаяжону,
Умидлар учқунлади.
Қалдирғочлар қадр излаб,
Қайтдилар пешайвонга.
Гулларнинг муаттар ҳиди,
Оташлар солди жонга.
Қуёш ҳам яқинроқ келди,
Кўрайин деб жамолинг.
Элу юртни, дала даштни,
Соғинтирди висолинг.
Борлиқни гулларга бурқаб,
Гўзал этдинг диёрим.
Сени соғинган ўлкага,
Хуш келдинг-ей баҳорим.

НАВРЎЗ

Олам чирой очар сенинг бағрингда,
Сенинг келишингдан дала-боғ обод.
Юраклар ҳапқирар хушбўй хидингдан,
Сен туфайли бугун барча диллар шод.
Бир ёнда сумалак, бир ёнда ҳалим,
Баҳор таомидан яйрайди танлар.
Ҳамма ёқни тутар қушлар чуғури,
Капалак чиройли гулларни танлар.
Тароват бахш этдинг ҳар бир гўшага,
Хуснинг таърифлашга топилмайди сўз.
Дориломон юртга, элга хуш келдинг,
Хуш келдинг янги кун, ассалом Наврўз.

СОХТА ДЎСТ

Оёқларинг юриб турса,
Кулиб турса кўзларинг.
Дастурхонда ошинг бўлса,
Ўткир бўлса сўзларинг,
Улар шунда дўст бўларкан
Сенга қулоқ, кўз экан,
Сохта дўстлар шундай экан
Пулинг бўлса дўст экан.
Қайга чўзсанг етса қўлинг,
Бойлик, давлат ўнгу сўлинг,
Очиқ бўлса доим йўлинг
Заринг бўлса дўст экан.
Ҳар нарсага имконинг бор
Сен ишонган инсонинг бор,
Шунда "дўст"лар бўлар бисёр.
Зўринг бўлса дўст экан.
Хиёнатдан қўрқмас сира,
Бу дилингни этар хира,
Билмасанг Улжондан сўра
Кунинг кулса дўст экан.

БОР

Мендан жуда олисларда кексагина,
Оқ соқолли пир бадавлат бобом бор.
Бобом меҳри, дийдоридан йироқман,
Доим менинг йўлларимга интизор.
Ақли расо, иймони бут, қалби пок,
Уларга хос фаросат, мардлик, идрок,
Жасорату матонат, номусу ор,
Ишбилармон, тоғдай икки тоғам бор.
Жиянларин эслаб туради ҳар он,
Соғинчлари юз-кўзида намоён.
Қалби дарё, онамдаин меҳрибон,
Меҳри оташдаин икки холам бор.

МАКТАБИМ ҚИЗЛАРИ

Зулфия қизлари, гўзал, ой юзлар,
Етти маликасиз - юзи қирмизлар.
Бирингиз Барносиз, бирингиз Дилбар,
Хусну латофатда тенги йўқ қизлар.
Мафтун, Малоҳат - давра гўзали,
Шўх куйга бир хиром этган маҳали,
Ҳайратдан лол бўлар бу аҳли дунё,
Бундай назокатни кўрмаган ҳали.
Гўзалхон, Феруза ва Маликанинг,
Атлас кўйлаклари этар маҳлиё.
Уларнинг ёқимли овозин тинглаб,
Осмон узра парвоз қиласиз гўё.
Санъатни қадрланг, санъатни севинг,
Дилда умидлар мўл, орзулар қат-қат,
Баралла куйланг сиз, дунё эшитсин,
Оламни гўзаллик қутқарар фақат.

2013/91 А 6780	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--

ТҮРТЛИКЛАР

Мақсад аниқ бўлса, йўлингдир равон,
Бардошда мужассам ҳаётий имкон.
Юракда ишончинг бўлса мустаҳкам
Ғалаба қиласан ҳар ишда осон.

Дўстлар даврасида киноя қилма,
Ўзгандан ўзингни устун деб билма.
Даврага ярашар шўх ўйин-кулгу,
Ўзни баланд тутиб, маломат олма.

Одамлар гар сендан сўраса ёрдам,
Меҳрингни беришга тайёр тур ҳар дам.
Бошга ташвиш тушса ё бир хасталик
Синовин кутиб ол кўркмасдан, бардам.

МУНДАРИЖА

Орзуларингиз ижобат бўлсин.....	3
Оналарга.....	4
Эсга олармисиз.....	4
Сизларсиз.....	5
Синфдошим ва қадрдоним Мукулмонга.....	6
Хуш қол энди, онажон.....	6
Қадрини бил.....	7
Соғиндим.....	7
Меҳмон келар.....	8
Онам алласи.....	8
Ҳаёт, ҳукминг шуми?.....	9
Ўзбек аёли.....	10
Сингилжоним.....	10
Қизғалдоғим.....	11
Устоз.....	12
Худо сақласин.....	12
Қоғоз ва қалам.....	13
Устозлар байрами.....	14
Қизларга.....	14
Баҳор.....	15
Наврўз.....	15
Сохта дўст.....	16
Бор.....	17
Мақтабим қизлари.....	17
Тўртликлар.....	18

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Улжоной ЭШМАМАТОВА
Овлоберди кизи

ҲАЁТ, ҲУКМИНГ ШУМИ?

Мухаррир:	Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир:	Ч.Раҳмонов.
Мусахҳих:	Ю. Зиёдов.
Бадий безакчи:	Ш.Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АИ 139, 27.04.2009 йил.
Теришга 12. 02. 2013 йилда берилди. Босишга
20.03.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Офсет қоғози. Pragmatic uz гарнитураси. Офсет усул-
да чоп этилди. Шартли босма табоғи 1,05. Нашр
босма табоғи 0,57. 2-2013-шартнома. 13-буюртма.
200 нусхада. 20 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
22-уй.